

ТОЖИГЮЛАВЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 5 (66234)
2000 йил 3 февраль.

Сотувда эркин нархда

Ўзи ҳали кичкина бўлса-да, жуда бийрон ва тийрак бола билан тасодифан учрашиб қолдим. Эндигина 7 сашга кирганига қарамай, каратэ спорти бўйича жаҳон чемпиони бўлишга улгуриди.

Бекобод туманининг Зафар кўргонида яшовчи Парвиз Абдумавлонов билан яхшилаб танишиб олганимдан сўнг маълум бўлди, унинг 11 ёшли акаси Аъзам ва 9 ёшли акаси Фаррух ҳам болалар ўртасида жаҳон чемпиони бўлишган экан.

- Парвиз, тўғрисини айт, ўртоқларинг орасида ҳеч мақтанасанми? Ахир, чемпион бўлишнинг ўзи бўладими?

- Йўқ,-деди Парвиз қисқа қилиб. Мен унинг мақтанаслигига тўла ишондим. Чунки у ёшлигига қарамай, ҳозир Шевченко номли 6-лицией мактабининг 4-синфида ўқир экан. Ҳозир Парвиз, Аъзам, Фаррухларнинг турли чемпионатларда қатнашиб, олган медаллари 50 тадан ошиб кетган. Уларнинг дадаси Абдумўмин ака иккинчи Дан қора белбоғ соҳиби эканлар. З йилдан бери ўз шогирдлари қаторида ўғилларига ҳам каратэ спорти сирларини ўргатиб келаётган эканлар.

ЧЕМПИОН БОЛАЛАР



Аъзам, Фаррух ва Парвиз аввал Ўзбекистон, Осиё чемпионатларида қатнашиб ғолиб бўлишибди. Кейин Будапешт, Германияда жаҳон чемпиони бўлиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг байробини кўз-кўз қилишиб қайтишибди.

Буни қарангки, Абдумўмин ака билан Муҳаббат опанинг чемпион ўғиллари қаторига энди чемпион қизчалар ҳам қўшилиб, бира тўла чемпионлар оиласини ташкил қилишмоқчи. Чунки уларнинг эгизак қизчалари Фотима ва Зухра эн-

дигина 6 ёш бўлишларига қарамай, спорт билан шунақсанги иштиёқ билан шуғулланишадики, асти қўяверинг. Оғир, босиқ Аъзам, хаёлпастроқ Фаррух, тўполончи Парвиз, Фотима ва Зухраларнинг дадаси билан шуғулланишларини томоша қила туриб: «Ҳа, Муҳаббат опанинг ҳам каратэнни ўрганишига тўғри келар экан-да», -деб ўйладим. Ҳазил-ку, ўз йўлига, лекин бир оиласдан чиқсан уч нафар чемпион болаларга ҳавасим келди. Муҳими, юртимизнинг бундай полвон бўлиб ўсиб келаётган фарзандлари талайгина. Улар ҳали болалигиданоқ шунча ишларни амалга оширган эканлар, улғайгач, элимизга, юртимизга бундан-да кўпроқ шон-шуҳратлар келтирадилар, деган умиддамиз. Ислом бобомиз ҳам «Ёшлар келажагимиз» деб бекорга айтмаганлар-ку. Юртимизнинг келажаги мана шундай иқтидорли, соғдил ва меҳнатсевар ёшлар қўлида экан, у янада нурлироқ, шукуҳлироқ бўлиши табиий.

**Гулоз ТОЖИБОЕВА,
ёш мухбир.**

Ишончли совун борми?

Катта бозорни айланиб юриб, шамга ўхшаб чўзиладиган оппоқ ва куйиб-қорайиб, ушласангиз қўлингизга чиппа ёпишиб оладиган қопқора совунлар сотиб ўтирган турли ёшдаги оналарга кўзим тушиб ҳайрон бўлдим. Уларнинг совун заводи бормикин-а? Айримларини олиб ишлатсан чиндан ҳам шамдек чузилдию аммо кўпиргани йўқ. Шунда ойимлар ҳар хил совунларни олиб ишлатаверма. Чунки қўшнимизнинг қўлидаги қизил ва оқ доғлар шундай манзилининг тайини йўқ совунларни ишлатганидан кейин бўлиб қолган деган гаплари менин яна ҳам сергак тортириди.

**Нигора САЛЬДУЛЛАЕВА
Тошкент, 24-мактаб ўқувчиси.**

бозордан хна сотиб олган эдим. Чиройли қофозга солинган хналар қизил қум экан. Шундан бери пачкалаб сотилаётган (майдаланган, мosh солинган) мурчга ҳам ишонмай қўйдим.

**Нигора САЛЬДУЛЛАЕВА
Тошкент, 24-мактаб ўқувчиси.**

Дадам билан Тошкентга самолётда учиб келиб, тўғри «такси стоянка»си сари юрдик. Аммо ўйлимизни шахсий машинаси билан хизмат қиласман деб турган ҳайдовчилар тўсишиди. Тоғанг беш минутлик йўлга ярим соат айлантириб олиб борадиган бегона машиналар-

«Такси стоянка» қаерда?

га чиқманг, деб тайнлаганди, уларга берадиган ортиқча пулимиз йўқ, деб дадам «такси стоянка»си қаерда? деб кўрингандан сўраб илгари юра бошладилар. Аммо «стоянка» аэропортда ҳам, вокзалда ҳам одамлар гавжум катта кўчалару майдонларда ҳам йўқ экан. Дадам пул ишлаш фамида истаган ерида одам олиб одам тушираётган шахсий машина ҳайдовчиларини кузатиб: катта шаҳарда наҳотки «такси стоянка»си йўқ бўлса? -дедилар. Бир вақтлар навбат билан одамлар таксига чиқиб узогини яқин қилиб кетаверарди. Энди эса «такси стоянка»лари ўрнида пуллик машина «стоянка»лари пайдо бўлибди. Бунча одамлар пул ишлаш йўлининг осон тарафларини қидиришмаса-я? Шунинг учун ҳам йўл транспорти ҳодисалари кўлайгандан кўпайиб бораяти-да!..

Дадамнинг кўшигандари тўғрими? Сиз нима деб ўйлайсиз тошкентлик йўловчилар?

**Муҳайё Арапова,
Навоий шаҳри, Малик Работ кўргони, Бобур номли 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.**



ДОНАСИ 25 СҮМ

Дўконга ручка харид қилиш мақсадида кириб, у ерда мактабдошларимни учратиб қолдим. 10-синф ўқувчилари 25 сўмдан доналааб сигарет сотиб олаётган эканлар. Ҳаттоқи, улар орасида ҳаммага ўрнак бўлувчи синфком Хусан ҳам бор экан. Кузатиб турсам Хусан ҳам иккита сигарет сотиб олди. Унга: « Сени синф раҳбарингга айтиб бераман», - десам, ўзини оқлаш учун: «Бу менга эмас, манави болага», - деб ёнидаги бўшроқ ўртоғига бериб қўйди. Сўнг дўкондан чиқиб кетишиди. Четдан кузатсам синфкомнинг ўзи ўртоқларини атрофига тўплаб шунақсанги чекяпти-ки! О, чекиш бўйича уста бўлиб кетишиди. Энг қизиги шундаки, сигаретни одатда кўп сиқилган кишилар чекишиди. Эндиниа ўн бешга кирган мактабдошларимниң дарди нима экан?


**Сурайё ШОБОБОЕВА,
Тошкент шаҳридаги
274-мактаб**

«Биз - Президент фарзандларимиз!» Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмууда 2 кун давом этган шоу-концерт на-

Устоз ҳақида сўз кетгандан беихтиёр мактабда биз каби ёшлирга ўзларини бутун билимини баҳшида этган инсонлар кўз олдимга келади. Мехринисо Кенжсаева, Назира Ҳамдамова, Эргашой Хусенова каби устозларимиз шулар жумласидандир. Айни пайтда, мен Рўзигул Шойиқуловани алоҳида меҳр билан эсга оламан. Бу устозимни таърифлашга муносаб сўзлар топа олмайман. Илк бор қўлимга қалам олганимда мақолаларимни Рўзигул опамга кўрсатдим. Шунда устоз уларни қўлимга қайта тутқазгандарида ала-мимдан йиғлагандим. Бунинг боисини мана энди тушунмоқдаман. Биринчи мақолам чиққанида улар билан бирга ёш боладек қувонганимизни ҳали-ҳали эслайман.

Азиз устозим, сизнинг беминнат ёрдамингиз туфайли талабалик баҳтига миассар бўлдим. Сиз ҳамиша қалбим ардоғидасиз!

Гуландом ЮНУСОВА,
ТошДУ, журналистика
факультетининг 1-курс талабаси.



шоу-концерти

манганлик ёшлар ва ўсмирларнинг руҳий-маънавий олами жилоланган кўзгу бўлди. Энг сара ёш ижрочилар, мусиқий жамоалар иштирок этган бу концерт ва ба-

дий чиқишиларда Фарғона водийсининг барча ҳудудларидан келган ёшлар иштирок этишиди. Тадбирни Намангандаги вилоят телерадиокомпанияси ташкил этди.

Н.ХЎЖАЕВА.



MEN OSMONNI YAXSHI KORAMAN

Qushlarni ham. Juda ko'p o'yelayman, qushlar osmonni burchalar sevishmasa... Agar ularni ozgina xurkitib yuborsangiz o'zlarini osmonga otishadi.

Qishloqqa borganimda ayniqsa, ularni ko'p kuzatganman. Ushlamoqchi bo'lib ko'p harakat qilganman. Lekin mening maqsadim ularni urish yoki o'ldirisig emasdi. Faqat yaxshi ko'rGANIMdan ularni boqib, yomon bolalardan asragim kelardi. Qushlar esa meni tushunishmasdi.

Bir kuni Dilshod akam bilan qovun poliziga bordik. Katta yo'lning bir tomoni poliz bo'lsa, ikkinchi tomoni ko'm-ko'k maysazor ekan. Ko'zim maysalar ustida o'tlab yurgan 10-12ta qora mollarga tushdi. Qizig'i, ularning ustida qushlar g'uj-g'uj o'ynardi. Shu topda chug'urlab o'ynayotgan qushlarning juda xursand ekanliklari ko'rini turardi. Chopib bormoqchi edim, Dilshod akam to'xtatib qoldilar,

-Qushlar odamlarni yomon ko'radimi?- so'radim ulardan.

- Yo'q, qushlar odamlardan qo'rqa dilar - dedilar Dilshod akam.- Odamlar qushlarni ushlab, qafaslarga soladilar. Oyoqlaridan bog'lab bolalariga o'ynasin, deb beradilar. Bolalar qushlarni ayamaydilar, shafqatsizlarcha qiynaydilar.

Men shu kuni qushlarni urish, o'ldirish niyati menda bo'limasa ham ularni tutish fikridan qaytdim.

Qushlarni bag'rida asrayotgan osmonni esa yana ham yaxshi ko'rib ketdim.

**Javohir NORQOBILOV,
Yunusobod tumanidagi
17-lingistik gimnaziyasi
maktabining 2-sinf o'quvchisi.**

«ОТАНГ-БОЗОР ОНАНГ-БОЗОР»

Тошкентда турли бозорлар кўп. «Қорақамиш» даҳасидаги «Табассум» магазинининг ёнида ҳам аҳоли учун мўлжалланган ўзгача бозорча мавжуд. Эътибор берган бўлсангиз, юқорида бекорга ўзгача деган иборани ишлатмадим...

Бозорчада кундалик эҳтиёж учун барча егуликларни харид қилсангиз бўлади. Арzon ҳам эмас, қиммат ҳам эмас. Лекин у бозорчага кеч соат 7-8 ларда ҳеч қачон йўлингиз тушиб қолмасин. Кундузи билан савдо қилган опа-сингилларимиз «Смена» алмашадилар. Яъни ўринларини кечки бозорчиларга тақдим этишиди. Ажабланманг... Ажабланадиган воқеани хозир айтиб бераман.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ишдан кечроқ қайтганлигим учун ўша бозорчадаги уруш-жанжалнинг устидан чиқиб қолдим. Бозорчи эркак ва аёллар бир-бирларини ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишарди... Савдосидаги барча нарсаларни бир-бирларига отиб, тинч аҳолини оромини бузишарди. Ибо-ҳаёни унтиб қўйган бу кимсаларга нахотки тартиб посбонлари ёки бозорча рўпарасида жойлашган Собир Раҳимов тумани масъулларини назари тушмаган бўлса?

Кузатиб турсам, уларни сўкиниб-бақиришларидан ниманидир тушунган ёш болалар бир-бирларига қараб куляяптилар. Бу болаларни янги сўзлар билан «танишириш» эмасми? Ёки хоҳлаганча бақириб, «Мен сендан зўрман»- қабилида иш туваётган бу кимсаларга Давлат қонунида жазо йўқмикин?

Нилуфар ДАВИДОВА.

KAMALAK, NINA TARUVZ.

Go'zal bahor kunlarining birida shovullab yoqqan jaladan so'ng osmon o'z husnini ko'zko'z qilmoq uchun kamalakdan gulchambar taqib, она zaminga nazar tashlaganda, zamindagi bir-biridan go'zal daraxtlarni, kamalakning barcha ranglarini o'zida mujassam etgan bog'urog'larni, cho'qqilarida qor yiltillayotgan osmono'par tog'larni, dalayu, polizlarga shoshib oqayotgan jiľalarini, o'z-o'zidan qaynab chiqayotgan buloqlarni, polizlarda odamlar obihayot deb ta'riflayotgan qovun-tarvuzlarni, naqshindor binolarni, chamanzorlardagi, qoshuko'zlar tuning qoraligidan, lab-yonoqlari lola qirmiziligidan rang olgan, kamakakdan yasalgan gulchambardan go'zalroq kiyimlar kiyib, qo'llardagi oddiy ninalar bilan hayot nafisligi, umr beg'uborligini ajoyib mo'jizalarini yaratayotgan sarvinoz qizlarni ko'rib, bu zaminda o'zidan go'zalroq narsalar borligini, buni avvalroq bilmaganini o'ylab, o'z-o'zidan uyalib, qizarib-bo'zarib ortiga qaytdi.


Oliya BO'RRIYEVA.

Alisher Navoiy nomli respublika Nafis san'at liseyining 9-sinf o'quvchisi.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бөш Ассамблеясининг қарори билан 2000 йил - дунё бўйича Халқаро Маданият йили деб эълон қилинди. Бундай қарор қабул қилинишининг сабаблари кўп. Жаҳоннинг турли мінтақаларида давлатлараро, миллатлараро, баъзи жойларда эса турли ижтимоий гурухлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар содир бўлмоқда. Бу жаҳон аҳдини ташвишга солаётир. БМТ Бөш Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 54-сессиясида Дунё Маданияти ҳақида Декларация ва уни амалга ошириш дастури қабул қилинди. Унда таъкидланишича, жаҳон маданияти турлича дунёқарашлар, анъаналар, ҳатто хурматга, зўравонликнинг ҳар қандай кўришиларини тутгатишга, айрмачиликнинг барча турларини бартараф этишга асосланган турмуш

тарзи ва аҳлоқ турларини ўз ичи-га олади. Шунингдек, Декларация мустақилликнинг барча принципларини тўла хурмат қилиш, мамлакатларнинг худудий яхлитлиги ва сиёсий мустақилликни асрарни, ҳар

ланишини жаҳон аҳли олдига вазифа қилиб қўяди. Ҳужжатда маданият дарахтини бешикаст ўсишида ота-оналар, педагоглар, сиёсий, ижтимоий арбоблар ва гурухлар, журналистлар, илмий, ижодий ва



МАДАНИЯТ ЎЗИЛ

қандай келишмовчиликлар ва низоларни тинч йўл билан бартараф этиш, эркинлик, адолат, демократия, хур фикрлилик принципларига амал қилиниши зарурлигини маълум қиласди. Шунингдек, жамиятнинг барча қатламлари ва халқлар, миллатлар ҳамда маданиятлараро ўзаро хурмат таъмин-

бошқа гуманитар соҳа вакилларининг ўрни бекиёс экани таъкидланган. Дастурнинг жаҳон маданияти соҳасида амалга ошириш дастури жуда кенг қамровидир. У таълим, барқарор ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни, инсон ҳукуқларига алоқадор барча масалаларни қамраб олган. Эркаклар

билин аёлларнинг тенг ҳукуқлилигини, эркин ахборот алмасиниши ва билим олиш эркинлигини таъминлаш каби масалалар шулар жумласидандир. Дастурда 2000 йилни Ер юзи болалар манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга алоҳида ўрин ажратилган. Жумладан, болаларнинг билим олишда, умуминсоний қадриятлардан фойдаланишда тенг ҳукуқлилигини таъминлаш бош масала даражасига кўтарилиган. Болаларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маҳсус адабиётларни ўқув дастурларига киритилиши қўллаб-қувватланилган. БМТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари юқоридаги тадбирларни ўз маҳаллий-худудий доираларда, шунингдек, мінтақалараро ва халқаро кўламда амалга ошириш чораларини кўришлари таклиф этилди.

ШОХДОР ОДАМ

Бурятия Республикасининг Улан Удэ шаҳрида яшовчи бир кишига табиат ғалати «совға» ато этди: Унинг бошида... шохлар... ўсмоқда. Бу одам бошининг икки тарафидан ийрик, каттиқ шохлар пайдо бўлди. Бахтсиз киши бу гаройиб «ўсимта»ларни олиб ташлашларини сўраб шифокорларга кўп бора мурожаат қилиди. Айрим шифокорлар мижозга ёрдам кўрсатиб, мазкур шохларни жарроҳлик йўли билан кесиб ташлашди. Бироқ фойдаси бўлмаяпти Олимлар бунинг сабаби генлар фаолиятининг бузилишида демоқда. Чунки республикада ҳар йили 180 та чақалоқ турли генетик нуқсонлар билан дунёга келмоқда. Масалан, олтибармоқлилар, думгаза суяги ўсан (думли)лар, сертукли болалар сони ортиб бормоқда. Бахтга қарши улан-удэлик бу шохдор одамнинг дардига чора топиш ҳозирги замон тиббиётининг кўлидан келмаслиги аниқ.

Маълумки, болалар орасида тутқаноқ касали кўп учрайди. Бу - асосан, боз миянинг жароҳатланишидан қолган асоратдир. Катта ёшдагилар орасида эса инсульт ва бошқа шунга ўхшаш касалликлар оқибатида қўл-оёғи ишламай

Кирғизистон тизма тогининг марказий қисмида қад кўтарган номсиз чўққига Чингиз

ЧИНГИЗАЙТМАТОВГА ТОҒ СОВҒА ҚИЛИНДИ

Айтматов номи берилди. Маълумки, кўплаб ажойиб қиссалар ва романлар муаллифи, дунёга машҳур жамоат арбоби Чингиз Тўракулов бултур муборак 60

ёшга тўлган эди. Шу муносабат билан кўрилган

КИРГИЗИСТОН

Республикасининг Президенти Аскар Акаев Фармони билан ёзувчининг номи чўққига берилиши бекиёс совға ва адибга эл-юрга хурматининг тимсоли бўлди.

САҚИЧ КЕЛТИРГАН ТАШВИШ

Ленинград вилоятидаги Тюменск туманидаги Никольск қишлоғида жойлашган 3-мактабнинг 12 ўқувчиси «овқатдан заҳарланиш» деган ташхис билан шифохонага тушди. Маълум бўлишича, улар Красный Бор яқинидаги бир ўрага ташланган усти очиқ қоп ичидаги сақичларни олиб чайнаган эканлар. Бу сақични вилоятдаги бир қўшма корхона ишлаб чиқарган, бироқ уни тайёрлашда хатога йўл қўйилгани сабабли у сотишга рухсат этилмаган ва ахлатга ташланган бўлган. Қизиқувчан болалар эса бир қоп текин сақични бўлишиб олишган ва «мазза қилиб» чайнашган.

ТУТҚАНОҚНИ ҲАМ, ШОЛНИ ҲАМ ДАВОЛАШ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

қоладиган - шол бўлиб қолиш ҳолатлари содир бўлади. Яқинда Новосибирск Жарроҳлик Илмий-тадқиқот институтида одамнинг шикастланган миёсини жарроҳлик йўли билан даволаш йўлга кўйилди.

Институт олимлари одам бош

мияси жароҳатлари, тутқаноқ ва шол касаллигини даволаш устида 7 йилдан бери олиб борилган текширишлари натижасини қўлга киритдилар. Улар жароҳатланган бош миянинг шикастланган қисмини қон билан таҳминлаш усулини яратдилар.

КИМ ХУШЧАҚЧАК?

Англиялик руҳшунос Тони Фалоуп қизиқ хulosани ўзлон қилди. У 15 ёшдан 55 ёшгача бўлган минглаб қиз-аёлларни кузатиб шундай хulosага келди: одамнинг табиати мижози унинг сочининг рангига боғлиқ бўлади. Жумладан, малласочиллар мустақиллик ва фавқулодда қилилари билан ҳаммани ортда қолдиришади. Улар ўта қизиқувчан ва бекарор бўладилар. Бундайларга ўзгаларнинг фикри - бир пул!

Буғдойранг қиз-аёллар одатда ўзининг ташки кўринишига кўпроқ эътибор беришади. Жамоат орасида улар ҳамиша қўзга ташланиб туришади. Корамагиз қизлар эса - аксинча: улар одамларнинг ички дунёси устида кўп қайғурадилар. Улар - итоаткор ва мuloҳазали бўлишида ва ҳаммага ёқишини исташади. Энг қизиги шундаки, сочини бўяган қизларнинг ҳам табиати ўзгача экан. Сартарошхонадаги одийгина муолажа-пардоз ҳам одамнинг фикр-ўйларига таъсир этаркан. Бундан чиқди, дунёдаги энг машҳур бўялган буғдойранг хонанда Род Стиарт «Буғдойранглилар хушвақт яшайди», деб куйлаганида ҳақ экан-да!



9-fevral- Alisher Navoiy bobomizning tavallud topgan kunlari



Bismillahir rohmanir rohim,
Undan o'zga yo'qdir panohim.
Xayollarim charx urar timmay,
Bezovtadir tunni ham bilmay.
Fikrlarim to'plab bir joyga,
Tilanayin to'lin ul oyga.
Yodi bilan charag'on ruxim,
Xayollarga tolib qoldim jim.
Muhabbatim oshdi kun sayin,
Ta'rifga so'z axtardim tayin...
Bir nuroni mo'ysafid odam,
Ruhim sari tashladi qadam,
Jilmayadi yuzi mohitob,
Qulog'imga keldi bir xitob.
—Bo'tam, ne haqda o'layursan,
Nechun sen meni chorlayursan,
So'yla vujudim quloq, tinglay,
G'amming nedur men buni bilay.
—derdi ustozi holimga qarab,
Ul yonimda turardi, yo rab!
Bo'tam qo'rhma rabbing emasman,
Oddiy qulman, Shohman demasman.
Hassasiga suyangan holda,
So'z qotdi tili go'yo bolda.

Jilvashi jon gulshan oroyishi,
Ko'rmog'i mahzun ko'ngil osoyishi,
Zotiga juz lutf-u safo bermayin,
Lekin anga bo'yvi vafo bermayin.
Ul uchun vafo rangidan ozod o'lib.
Ahli vafo joniga bedod o'lib,
Kimga vafodin beribon choshni,
Bir nafas olmay ko'zidin yoshni.
Kimki ishi g'ayri vafo qilmayin.
Bahri anga g'ayri jafo qilmayin...
Otta ketib borar Navoiy
Mo'ysafid ko'rindi shu oni
Ust-boshi chang, o'tin tashirdi,

Ustozning hayratin oshirdi.
Otdan tushdi ko'ksida qo'li
Bildi-ki, bir ikkisin yo'li,
Alik oldi mo'ysafid darrov,

Yordam beray deb sizga birrov.

ДОСТОИНСТВО



ДОСТОИНСТВО

Keling, chiqing otga-horibsiz,
Yo'l g'amidan juda oribsiz.

Mo'ysafidni otga chiqarib

Ko'taribdi o'tinin borib,

«Ey bori mavjudga sendin vujud,

Balki vujud ahliga fayoz jud,

Qatmi adamdin neki mavjud o'lib,

Sojid o'lib sen anga masjud o'lub.

Kimki boshi sajdada —masjudi sen,

Pushkin o'z asarlarida 21 ming 197 ta

betakror so'z ishlatgan.

Shekspir salkam 20 mingta,

Servantes 18 mingga yaqin,

Alisher Navoiy esa 1 million 378 ming

660 ta betakror so'z ishlatgan.

O'tkir HOSHIMOV,

O'zbekiston xalq yozuvchisi.



Kimki yuzi qiblada—ma'buden...

Mo'ysafid tinglabdi-yiq'labdi,

Ash'or tinmay qalbin tig'labdi.

...Bungaki aflok sabuk sang erur,

Yo kurrai xok kuxan lang erur.

Sendin alar junbish-u oromi ham,

O'layki ijohi ham, e'domi ham.

Gunbadi mino bilatoqi sipehr,

Kim anga sham'anjum erur, shamsa mehr.

Dardida qosir bo'lubon hislari,

Chun ko'rubon aql muhandislari...»

Navoiy o'qibdi bir qancha,

Ash'or ham tinglabdi ul ancha.

...Vatan tarkini bir nafas aylama,

Yana ranji g'urbat havas aylama...»

Bo'ldi, bas qil, mo'ysafid dedi,

Dardlarim qaydin biling, dedi.

Mo'ysafid ko'zları yosh edi,

Navoiy-chi bul so'zni dedi:

—Dard sizniki ya'ni elniki,

Tikan daraxtingmas gulniki...»

ERKIN YOLDOSHI

АНОР ВА ПИЁЗДАН ҚИЛИНАДИГАН САЛАТ

Бош пиёзни ниҳоятда майдалаб тўғраб иссиқ сув билан 2-3 марта ювиб, бироз туз сепиб қўясиз. Анорнинг пўстини арчиб ташлаб доналарининг ярмини эзиб сувини чиқарасиз ва пиёзга қўясиз, ярмини эса шундайлигича пиёзга аралаштириб ликопчаларга соласиз. Оқ пиёздан гулар ясаб, унга анор доналаридан солиб салатни безатасиз ва палов ёки тўшти овқат билан қўшиб ейиш учун дастурхонга торласиз. Бундай салат учун: катталиқдаги 2 дона пиёз, 1 та катта анор, бир чимдим туз ишлатилади.



ЗИРА-ПИЁЗ

Бош пиёзни юпқа қилиб тўғрайсиз, кўк пиёздан ҳам пича қирқиб ҳар иккаласига туз, зира, мурч, узум сиркаси қўшиб яхшилаб аралаштирасиз ва палов ёки кабобга қўшиб ейиш учун дастурхонга торласиз. Бунинг учун: 3 бош пиёз, 1 бое кўк пиёз, 1-2 ош қошиғида узум сиркаси, бир чимдим туз, зира, мурч кетади.

ТУРПДАН ҚИЛИНАДИГАН САЛАТ

Арчилаган турпни сомон шаклида майдада қилиб тўғрайсиз ва паррак-паррак қилиб тўғралган пиёз билан мижгиб аралаштирасиз, сўнгра қизил сабзини қирғичда қириб қўшиб туз, қизил қалампир ва узум сиркаси сепиб таъмини ростлайсиз.

Салатни ликопчаларга солиб бетини турп, пиёз ва сабзи парракчалари билан безатасиз ва майдада қилиб қирқилган райхон солиб 15 дақиқа ўтгандан кейин дастурхонга торласиз. Бундай салат серёф ва хамирли овқатлар билан истеъмол қилиш учун тайёрланади. Салат тайёрлаш учун: 1 дона каттароқ турп, 1-2 дона қизил сабзи, 2 дона пиёз, 1 ош қошиғида узум сиркаси, бир оз пиёз, қалампир ва туз эса таъбга қараб ишлатиди.

(Davomi)

Urushga tayyorgarlik

Sichqon podsho darg'azab edi,
-Zudlik bilan qo'shin yig'ilsin,-dedi.
Yuborildi har tomonga elchilar,
Dushmanlarning orasiga tilchilar.
Tez orada katta lashkar yig'ildi,
Uch yuz mingdan ortiq askar
yig'ildi.


Piyodalar yasov tortgan bir yonda,



Suvorilar tizilgan bir tomonda,
Paxlavonlar gurzisini ko'targan,
Chavandozlar nayzasini o'qtalgan.
Dubulg'asin kiyib olib boshiga,
Qilichbozlar turar safning qoshida,
Sichqon podsho chiqib qo'shinni
ko'rdi,
-Qani, endi yuringlar,-deb buyurdi.
Dovul qoqib, bayroqlarin ko'tarib,
Yurib ketdi lashkar mushuklar sari,
Elchi ketdi, mushuklarni aytishga,
Jang jabrini e'lom qilib qaytishga:
-Sichqon podsho qo'shin tortib
keladi,
Tayyor bo'ling, tezda yetib keladi!
Qabul qilib chaqiriqni mushuklar,
To'pladilar urushmoq uchun
lashkar.

URUSH

Bir maydonda tuzildi zo'r ma'raka,



(Ikki dugona

Oysha va Poshtsha
uchrashib qoldilar)

Poshtsha: - Vey Oysha,

o'zingmisan?

Oysha: - Voy dugonajon Poshtsha, eson-
omonmisan? Ko'rishmaganimizgayam
ming yil bo'ldiy-ov... O'zingni
qayerdan so'rasak? Bozor xaltasini
ko'tarib olibsan?

Poshtsha: - Nimasini aytasan
dugonajon, o'zing sog'-omon
yuribsanmi?

Voy-bo'y... Hech ham o'zgarmabsan.
Men hali bormagan chet elim qolmadni.
Butun O'zbekistonni ko'rdim.

Oysha: - Sen ham o'sha-o'shasan-a,
voy tavba... Menga qara, ilgari
yoshligingda soching taqimining o'pargi.
Sovchilar o'sha paytda ham faqat sochi
uzun qizlarni qidirib yurishardi.
Mening sochim senikidan bir enlik
kaltaroq edi. O'shang sochimni senikiga
yetkazaman deb har ikki kunga qatqi
chaplaganim- chayqab edi. (kulishadi)

Poshtsha: - Meni aytmaysanmi,
Oyshani sochi menikiga yetib olmasin
deb bir qarasa tokni, bir qarasa
guruchni suviga chayganim-chaygan
edi. (kuladilar) Selitradayam
sochimni chayqab
ko'rganman. Mana endi
senikiyam sichqonni
dumidek bo'lib

Pahlavonlar tushdi shu kun oraga,
Bayroqdorlar tug' bilan olg'a yurdi,
Suvorilar ayamay qilich urdi,
Oyboltalar ishga solindi shunda,
Bir-biridan o'ch olishdi shu kunda,
Har qadamda kesilgan boshlar yotar,
Nayza, o'qqa uchib birov yiqilar,
Birov esa gurzi zarbidan qular.
Sadoqlarda o'qdan qolmas asar ham,
Asray olmas, jangda qalqon, si parax
ham.
O'liklar ko'p, otlar bosib yurolmas,
Bir yiqilgan yana qaytib turolmas,
Chiyillashar g'azab bilan sichqonlar,
Miyovlashar chidolmasdan
polvonlar.

Davom etib, kechgacha qadar urush,
Bera olmay mushuklar jangda turish,
Ko'plik qilib yengadi sichqon tomon,
Mushuklarga bermaydi aslo omon.
Sharmandalik bilan qochar
mushuklar,
Topolmayin berkinishga teshiklar.

BANDI

Shu kuni mushuklar shikast
topdilar,
Parokanda bo'lib har yon chopdilar.
Sichqonlar topdilar aybdor
mushukni,
Bandi qilib oldilar u shumshukni.
Mushukning bo'yniga zanjir solindi,
Eski o'chlari bugun undan olindi.
Mushukni sichqon-shox zanjirda
ko'rdi,



ketgandir?...

(Oysha qalin va qora sochini ko'rib
anqayib qoladi)Poshtsha: - Qani bunday tur-chi... Xey
o'shandagi qalin qora soching shumi?Oysha: - (Gir aylanib sochini
maqtanib) Ha shu, xuddi shu sochni
parvarish qilishni mendan o'rgan.

(Birdan Poshtshani uzun sochiga ko'zi
tushadi) Iye... qan... anavi orqangdag
nima? (Sochini ushlab ko'radi)
Sochmi bu?

Poshtsha: - Ha soch. Ana ishonmasang
o'chab ko'r, xuddi o'shandagiday
meni sochim senikidan bir enlik
uzunroq, bilingmi?

Oysha: - Shunday deysanu,
dugonajon, bizdan yoshlari ham
sochini ximiya qilaverib, qilaverib...

Poshtsha: - Qirqaverib, qirqaverib... bir
tolayam soch qolmagan, hammasini
sochi parik...

Oysha: - Uyam mayli-ya... (shivirlab)
ulama soch taqishadi...

Poshtsha: - (Jahli chiqib) Kim ulama
soch taqadi? Ulama soch qayoqda
ekan? Iye... sen meni shama
qilayapsanmi?

Maktab sahnasi uchun**SOCHNING SAYDOSI**

meni sochim senikidan bir enlik
uzunroq, bilingmi?

Oysha: - Shunday deysanu,
dugonajon, bizdan yoshlari ham
sochini ximiya qilaverib, qilaverib...

Poshtsha: - Qirqaverib, qirqaverib... bir
tolayam soch qolmagan, hammasini
sochi parik...

Oysha: - Uyam mayli-ya... (shivirlab)
ulama soch taqishadi...

Poshtsha: - (Jahli chiqib) Kim ulama
soch taqadi? Ulama soch qayoqda
ekan? Iye... sen meni shama
qilayapsanmi?

Oysha: - Ha, to'g'ri aytasan, u meni
sochim emasdi. O'shang a shunday
teskari qarab turaverdim.

(Oyshani teskari qaraganda Poshtsha uni
sochini ushlab ko'ra boshlaydi)

-Iye, tegma-tegma, bu yerda nima qilib
yuruvding?


Poshtsha: - Nima qillardim. Bu yerda
bayram bo'layotgan ekan. Chiroyli,
sochi uzun qizlar kelarmish, deb
eshitib, sochilikka kelayotuvdim.

Oysha: - Shunaqami, men ham
sochilikka kelayotgan joyim edi.
Poshtsha: - Bu yerga qo'shiq aytishni

(Ikki tomon tomoshabinlar orasiga
ketadilar)

Sanobar QODIROVA

**Бир бор
акин...**



«Osing!»-dedi hech narsaga boqmadni,
Mushukni osishga botinmas hech
zot,
Yaqin yo'lay olmas, hattoki jallod.
Achchiqlandi podsho bu holni
ko'rib:

- O'ldiringlar, -dedi, -tosh bilan
urib!

Nogohon sichqonlar guvillab qoldi,
Barchasi mushukni o'rtaga oldi,
Oqibat boshlanib ketdi toshparron,
Uchib kelaverdi toshlar beomon,
Mushukning bag'rini ular qon qildi,
Qon qildi, qon qildi va bejon qildi.

(Tamom)



Oysha: - Nega sening jahling chiqadi,
sekinroq gapir, anavi yerdagilar eshitib
qolmasin, uyat bo'ladi-ya...

Seni aytayotganim yo'q, hali tiqilinch
avtobusda kelayotsam, o'zi orqa
eshikdan chiquvdim, odamlar surib
oldi eshikka olib kelib qo'yishdi. Bir

payt orqa eshikda kimdir: «Hoy,
kimning ulama sochi, tushib qoldi?»-
deb baqirsa bormi, yer yorilmedi-yu,
yerga kirib ketmadim.

Poshtsha: - Xo... u sening soching
bo'lmasa, nega sen yerga kirib
ketarkansan?

bilmaydiganlarni
qo'yishmas ekan,
bildingmi? O'zing birorta
qo'shiq tayyorlab keldingmi?

Oysha: - Ha, bo'lmasam-chi?
Poshtsha: - Bo'lmasa bir eshitaylik?

(Oysha «Yorimni sochi kalta»
qo'shig'i aytadi, Poshtsha o'yinga
tushadi. So'ngida Poshtshani ulama
sochi tushib qoladi. Oysha kulib
yuboradi, sochini qo'liga oladi)

-Soxta ekan-ku!

Poshtsha: - Hoy, olib kel sochimni,
odamni sharmanda qilma... (Oysha
sochini uzatadi)

Oysha: - (Ho-holab kulib) Qo'yaver,
Poshtsha: - Hijolat bo'Ima (O'zini
sochini tekshirib qo'yadi).

Poshtsha: - (kulib) Hoy, haligi
avtobusda soch yo'qotgan ayol,
mabodo o'zlarimasmidilar?

Oysha: - (kulib) Topding, xuddi
o'zimman.

Poshtsha: - Jim, eshitib qolishadi. Qani,
endi qiz tanlashga ketdik. Sen u
tomonga, men bu tomonga.

Oysha: - Poshsha, qizlarni sochini
yaxshilab qara, yana o'zimizdan
bo'lmasin?

(Ikki tomon tomoshabinlar orasiga
ketadilar)

Sanobar QODIROVA

Сұхбатимизни ҳазрат Навоийнинг ушбу түртлиги билан бошласақ

Камол эт касбким олам үйидин,
Сенга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.
Жаҳондир нотамом ўтмак биайни
Эрур ҳаммомодин нопок чиқмоқ.

Дарҳақиқат, Тангри инсонни бу дунёning безаги сифатида азиз ва мукаррам қилиб яратган. Ана шу мукаррамликни сақлаб қолиш ҳам, қўлдан бой бериш ҳам унинг ўз кўлида. Бунга фақат ақл ва меҳнат туфайлигина эришиши мумкин. Зотан, инсоннинг бошқа маҳлуқотлардан фарқи ҳам шунда. Дунёдаги барчажонзорлар ейиш учун яшайдилар, улар ичида энг онгли ва ақл соҳиби бўлган инсон эса яашаш учун емоги лозим. Бунда ҳам пешона тери эвазига келадиган ризқ билан ризқланмоқлари лозим бўлади. Ҳадиси шарифда: «Кишининг



КАСБКИМ ОЛАМ ЎЙИДИН...

энг лаззатли ва ҳалол оши ўз касби бирла топган ризқидир», - дейилади. Яна бошқа бир ҳадисда: «Талабул - ҳалали вожибун ала кулли муслимин».

Яъни: «Ҳалол ризқ изламоқ ҳар бир мусулмон учун вожибdir». Яшаш учун кураш барча жонзотлар орасида давом этади. Энди инсонлар учун бу ҳол қай йўсунда бўлмоғи аъло? Инсонлар учун қўл меҳнатлари касб ва ҳунарлари орқали келган ризқ қадар авто ва лаззатли таом бўлмаса керак. Тарихга назар солсак, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳам чўпонлик қилганлар (нубувват келгунга қадар). Довуд пайғамбар ҳам темирчиликни касб қилиб олганлари маълум. Зоро, у киши мажбурият юзасидан бу иш билан шуғулланмаганлар. Чунки Довуд алайҳиссалом улуг ва бой подшоҳ бўлганлар. Ёки Аҳмад Ясавий беҳисоб мурид ва асҳоб эгаси бўлиб туриб косатарошлик би-

лан кун кечирганилиги ривоят қилинади.

Шундай савол туғилиши мумкин: «Хўш, бунинг эвазига инсонни қандай мукофот кутади?». Аввало инсон ўзини, оила аъзоларини ва имкони етса қариндошларини таъминлаб туришининг ўзи садақадир. Аллоҳдан ажр олади. Қоловерса, «бир инсон ҳалол касб этиб, иттифоқо шу касб туфайли касал бўлиб қолса, унинг гуноҳлари кечирилади», - дейидилар Расулуллоҳ. Шундай экан, ҳар бир инсон ҳалол касб ва ҳунар эгаси бўлмоғи лозим. Ислом дини инсонларни мудом ҳаракатда бўлишга, дунёда яхши, муҳтоҷ ва мутеъ бўлмаган ҳолда, имкон қадар бадавлат яшашга ташвиқ этади, фақат ҳалоллик билан. ер юзининг барча бойликларини Аллоҳ инсонлар учун ҳозирлаган. Шундай экан, Аллоҳнинг шундай неъматларидан фойдаланмай, «бизга ризқни худо етказади», - деб осмонга қараб

ўтириш тўғри бўлмайди. Тўғри, ризқни Аллоҳ беради, лекин ҳаракатинг сабаб, касбу ҳунарингни сабаб қилиб беради. Дунёда ҳаракатсизлик қадар оғат йўқ. Зоро, бошимизга тушган балолар ҳаракатсизлигимиз туфайли, чор истибдодининг қурбони бўлишимиз ҳам, бошқа миллатлар оёғи остида топталишимиз ҳам ҳаракатсизлигимиз ва ялқовлигимиз туфайли бўлганлиги тарихдан аён. Шундай экан, ҳар биримиз ҳалол касб ва ҳунар эгаси бўлиб, фарзандларимизни шунинг эвазига ўстирсанак ва шуни улар онгига сингдирсанак, иншоллоҳ икки дунё саодатига эришамиз.

Абдуҳамид АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик
институти 3-курс толиби.




АҚЛ ЎЗИНИМА?

Ҳўш, ақл ўзи нима? Инсонларни бошқа маҳлуқотлардан айириб турдиган нарса - уларнинг тиллари эмас, балки ақллари. Чунки барча маҳлуқотлар қушлар бўлсин, ҳайвонлар бўлсин, ўз тилларида бир-бirlари билан сўзлашадилар. Бошқа маҳлуқотлар ақлсиз бўлганлари ҳолда, инсонлар ақл соҳибидирлар, фарқ мана шундадир. Шунинг учун ҳадиси шарифда айтиладики: «Қивамул маръи ақлуху вала дийна лиманла ақла лаху». Таржимаси: «Инсонларнинг таянадиган нарсаси ўзининг ақлидир. Ақли бўлмаган кишининг дини ҳам бутун бўлмайди». Инсонларнинг ҳикмати ақлига қараб бўлади, ақлсиз кишининг ҳалқ наzdida қиммати бўлмайди. Инсон ҳаётى бу абадий

сафардир. Сафар асносида у озмунча бекатларни босиб ўтадими? Буларнинг баъзилари бехавотир бўлса, баъзилари мashaқатлидир. Шунинг учун инсон ақлига таяниб бошига келадиган ҳар қандай кунларга ҳозир бўлиб, уни енгигиб ўтиши лозим бўлади. Шу ўринда Сайид Жамолиддин ал-Ағроний ҳазратларининг баъзи фикрларини келтирмоқчимиз:

1. Ақл ваҳм ва хурофотдан пок бўлиши лозим, - дейди у киши. Чунки ваҳм билан хурофот ақл билан ҳақиқат орасида парда бўлиб туради. Шу сабабли 1. Ақл билан ҳақиқат бир-бiriга кўринмайдилар. Шу ерда энди пардаланган ақл ўз вазифасини бажара олмай, турли гумон ва шубҳа-


ларга йўл очилади. 2. Камолот таҳсил этув. Бу ҳам ақл ёрдамида бўлади. Бунинг учун миллати ҳар бир ақли солим бўлган ёшлари ўзларини етук деб, улуг ниятлар билан яшамоги, худо хоҳласа улкан ишларни амалга ошира олман, қўлимдан келади, деб ишонмоқлари лозимдир. Саодат мана шундадир. Инсонларнинг бошларига келадиган кулфатларнинг кўпи ақлга эргашмаслик туфайли бўлади. Масалан, бир кишига номаълум бўлган шубҳали нарса ҳақида гапирилса-ю, у ўйлаб ўтирмай, шунга ишонса. Унинг мулоҳаза юритмай сўзсиз бунга ишониши ақлсизлигини нишонасидир. Шунинг учун инсонлар, айниқса келажак эгалари бўлган ёшлар улуг ёшли кексалар, олимлар, билимдонлар, дунё кўрган кишилар ва ҳакимлар сұхбатида кўп бўлишлари лозимдир. Қоловерса, ҳадисларда айтилганидек, тадбир даражасида, яъни тадбирли бўлиш даражасидан ортиқ ақл йўқдир.



Худо неъматларин олийси идрок,
Ақлни мадҳ этар, кимки дили пок.
Ақл йўл кўрсатиб, дили этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод,
Ақл бир тирик жонки, билмас завол,
Ақл турмуш асли буни ёдлаб ол,
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлигу ўйқлигү камлик,
Киши иши қиларкан беақлу идрок,
Бўлур қилмишидан юрак-багри чок.

Абдулла Аблоний
ОВОЗ

Бир бола мактабдан келиб, китобларини қўюб, таомларини еб, ўйнамоқ учун боғга кириб, шул кун ўқигон сабакини қичқириб ўқугон замон қулогига қўшнининг девори тарафиндан бир боланинг ўқиган товши келди. Бу овозни ўшигтан замон богда мандан ҳам бошқа бола бор экан деб суюниб: «Кел ўртоғ! Иккимиз бирга ўқушуб, бирга ўйнаймиз», деса ул ҳам шул сўзни айтди. Боланинг бир оз аччиғи чиқуб, атроғни охтара бошлади. кўп вақт излади, ўзидан бошқа ҳеч кимни кўрмади. Охирада жаҳли чиқуб, ямон сўзлар айтса, ул тарафдан ҳам ямон сўзлар ўшигиди. Бола ниҳоятда ҳафа бўлуб, йиғлаб, боруб онасиға айтди: «Эй онажон, боғда бир ямон бола бор экан, ман имани сўзласам, шуни айтурс. Манга ямон сўзлар сўзлади. Қанча изласам ҳам тополмадим», - деди. Онаси боланинг ўзининг овози эканин билуб: «Эй ўғлим! Сан анча ямон сўз айтма. Яхши сўз айтсанг, ул ҳам санга яхши сўзлар илм жавоб берур», - деди. Бола яна боғга боруб яхши сўзлар сўзласа, жавобига яхши сўзлар ўшигиди. Ақлли бола билдики, яхши сўзга инсонлар яхши жавоб, ямон сўзга ямон жавоб берурлар эмиш. Бундан сўнг бола ҳеч кишини ямон сўз айтмайдурғон бўлди.



Халқымызда «Олов дүст, олов душман», - деган ибора бежиз айттылмаган. Дархакиат, инсонларга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан түри фойдаланилса, беминнат хизмат қиласы, агар озгина тизгиндан чиқса ёки нотүрги фойдаланилганда ғам-ташвиш олиб келади, кулфатларга сабабчи бўлади.

Кимларнингдир бепарвонги, эътиборсизлигидан содир бўлган ёнгинлар натижасида шахримиздаги корхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас. Жумладан, шу йилнинг ўтган январь ойида шахримызда 141та ёнгин содир бўлиб, унинг асоратлари орқасида 4 киши ҳаётдан кўз юмди. 5 киши оғир тан жароҳати олди.

Ҳар бир содир бўлаётган ёнгин одамларнинг айби билан бўлади. Чунки баъзи бир корхоналарда маъмурий биноларда, ўқув масканларида, даволаш масканларида, айниқса турар жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнгин назорати бўлми ходимларининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслик, огоҳлантиришларга бепарвоник билан қараш, катталарнинг лоқайдлиги масъулиятни унтиб қўйишлари натижасида ёнгинлар содир бўляпти. Унутмангки, ҳар бир ёнгин бу йўқотишdir. Йиллаб йиган мол-мулкимиз саноқ-

ли дақиқаларда ёниб кул бўлади. Катта зарар қўрамиз.

Азиз болажонлар, сизларга содир бўлган ёнгинлардан баъзи бирларини айтиб ўтмоқчиман.

2000 йилнинг 21 январь куни Бектемир тумани Нурафшон кўчаси 52-ўйда содир бўлган ёнгин ўз вақтида ўт ўчирувчилар томонидан ўчирилди. Ёнгин оқибатида уй жиҳозлари ёнди. Энг аянчлиси ёнгинни ўчириш вақтида фуқаро Угай А.нинг жасади топилган. Ёнгинни келиб чиқиш сабаби сигарета чекиша ёнгин хавфсизлик қоидасига риоя қилмаслик экан.

2000 йилнинг 31 январь куни соат 08 дан 44 дақиқа ўтганда ёнгиндан сақлаш бошқармасининг «Куч воситаларини бошқариш маркази»га Яккасарой тумани, Муқимиy кўчasi, 17-ўй 14-хонадонда ёнгин содир бўлганлиги ҳақида хабар беришди. Соат 08

дан 49 дақиқа ўтганда ўт ўчириш машиналари белгиланган манзилга етиб бориши. Ёнгин соат 08 дан 54 дақиқа ўтганда ўчирилди. Ёнгин оқибатида катта зарар кўрилди. Иванов Антон Тимофеевичнинг жасади топилди. Бунга ҳам сигерета чекиша ёнгин хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлган.

Ёнгин чиқсан холда дархол «01»га кўнфироқ қилинг. Ўт ўчириш ходимлари етиб келгунга қадар ўтни ўчиришга киришинг. Агарда хоналарда одамлар қолган бўлса уларни кутқариш чораларини кўринг.

Азиз болажонлар, Тошкент шаҳар Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходимлари ҳам мактабларда, мактабгача тарбия муассасаларида, маҳаллаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин оғатини олдини олиш учун самарали фаолият кўрсатиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Ёнгин билан боғлиқ аксарият аянчли ҳодисалар кундаклик турмушда йўл қўйилаётган бепарвоник, лоқайдлик, масъулиятни унтиб қўйиш каби иллатлар оқибатида рўй бермоқда.

1999 йил биргина Тошкент шаҳрида 2099та ёнгин содир бўлди, кўрилган моддий зарар 21176872

сўмдан ошиб кетди. Бу ёнгинларда 31 киши ҳалок бўлиб, 58 киши ҳар хил турдаги тан жароҳати олдилар.

2000 йилнинг ўтган январь ойида эса 150дан ортиқ ёнгин содир бўлди. Бунга асосий сабаб сигарета чекиша хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, унинг қолдиқларини дуч келган жойларга ташлаб юбориш, болаларнинг қаровсиз қолдирилиши, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Ҳамюртларимиз ана шундай бахтсизликка қандай тушиб қоляптилар?

Биз касалхонада бўлганимизда жароҳатланган турли ёшдаги юртдошларимизни кўриб ана шу саволлар гирдобида қолдик. Касалхонанинг куйганларни даволаш бўлими раҳбари Ўткир ака Ко-милов билан бўлган сұхбатимиз ана шу хусусида бўлди.

- Ўткир ака, бир кунда қанча фуқаро сизларга мурожаат этиб ёрдам сўраб келади?

- Куйишдан жароҳат олганлар сони 5-6 кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бир ойда 33 тани ташкил этади. Уларнинг аксарияти 12-14 ўсли ўсмир ёшларни ташкил этапти.

- Сиз даволашдан аввал улар билан қисқача сұхбатда бўласиз. Жароҳат олганларнинг бундай аҳволга тушиб қолишига нима сабаб деб ўйлайсиз?

Ўсмир ёшлар билан сұхбатлашганимда албатта билиб-билмай қилган ҳаракат ёки ота-оналар назоратидан четда қолиш, ўт ёкиш, чўғ билан ўйнаш, баъзан тез алан-галанувчан моддаларга ўта қизиқувчанлик сабаб бўлганлигини эшитасиз. Баъзида оловдан, газдан, электр иситиш асбобларидан нотўрги фойдаланиш, уларга эътиборсизлик ҳам кўпроқ сабаб бўлади. Бензин, гугурт, сигареталар болаларнинг кўлига тушиб ёнгин келиб чиқиши, бунинг оқибатида куйишдан жароҳат олиш ҳолларига сабаб бўляпти.

- Бугунги кунда куйишнинг қайси турлари кўпроқ учрайти?

- Болаларда чўғ ва алангадан, катталарда эҳтиёtsизлик туфайли газ, қайноқ сув, электр токи таъсиридан куйиш ҳоллари кўпроқ учрайти.



- Куйишнинг қандай ҳолатлари оғир жароҳат ҳисобланади?

- Олов ичидаги қолган кишиларни даволаш анча қийин. Уларнинг танасини юза қисми 80 фоизгача куйган бўлса, агарда у жисмонан соғлом бўлса кутқариб қолиш мумкин. Аввало ҳеч бир кимса бундай ҳолатга тушмасин. Жароҳат олган шахснинг куйган жойига дастлаб совук сув ёки муз қўйилади. Бу билан жароҳат чуқурлашишининг олди олинади. Бироқ, кўп ҳолларда шифохонага келгунча тиши пастаси, ёғ суриш, картошкани майдалаб қўйиш ҳоллари кўпроқ учрайти. Бу жароҳатни вақтинчалик енгиллатсада, куйиш даражасини аниқлаш ва уни даволашни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам ўз вақтида шифокорга учраган маъқул.

- Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз нималарга эътибор қилишлари керак?

- Ёнгин муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш, ёнгиндан хавфли нарсаларни доимо эътиборда тутиш керак. Ана шунда биз ёнгиннинг ҳам, куйиш ҳолларининг ҳам олдини олган бўламиш.

**Феруза САГДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар Ёнгиндан
сақлаш бошқармасининг Давлат
Ёнгин назорати бўлими инспектори,
ички хизмат катта лейтена**



БЕҲЗОД БОҒИ

Маълумки, 1997 йили Ўзбекистон Вазирлар Мажхамаси буюк ажододимиз, Шарқнинг бетакрор рассоми Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш түгрисида қарор қабул қилган эди. Орадан ўтган 3 йил давомида бу муборак тўйига катта тайёргарлик кўрилди. Пойтахтимизда Камолиддин Беҳзод исмли меморий боғ-оромгоҳ яратиш вазифаси ҳам ана шу тадбирлар сирасига киради. Республика Бадиий Академияси Тошкент шаҳар ҳокимияти билан биргаликда ана шу боғ лойиҳаси учун очиқ танлов ёлан қилган эди. Икки босқичда ўтган ана шу танлов якунланди. Унда пойтахтимизда курилган кўплаб бадиий инишотлар лойиҳалари муаллифи, республикада хизмат кўрсатган мемор Ричард Бизе голиб чиқди. Мазкур лойиҳа қурилишини «Тошчетэлқурилий» ҳиссадорлик жамияти барпо этадиган бўлди. Шундай қилиб, Камолиддин Беҳзод бобомизнинг 2000-йилда нишонланадиган муборак тўйига муносаб яна бир тўёна барпо этилмоқда.



Севарапи асал қизим, шакар қизим, шоколад қизим дейшади...
Ўзи қанақа қиз, Севарапи?

АСАКА ШОКОЛАДИ

Ўзининг «Дамас», «Тико», «Нексия» автомобиллари билан мамлакатимиз довруғига довруг кўшаётган аса-каликлар республикамиз аҳлини, хусусан, ширинхўр болажонларни ҳам хушнуд этадиган бўлди: Андижон вилоятининг Асака шаҳрида шоколад фабрикаси ишга туширилди. Вилоят «Матбуот-савдо» жамияти билан «Ўзбекбирлашув» бошқармаси қошидаги Асака тумани «Оби нон» ҳиссадорлик жамияти қисқа мuddатда куриб, ишга туширган бу янги корхона бир кечакундузда 3 тонна вафлии шоколад ва бошқа конфетлар ишлаб чиқариш кувватига эга. Бу ширинликлар хизмати 60 йигит-қизни доимий иш билан таъминлади.

LDF CAR

—Ali Valiga dedi:

—Imtihonni kompyuterda topshirayotgandim. To'g'ri javoblarini qalashtirib tashlab bunday qarasam, kompyuterda: «Siz bilan ortiq bellasha olmayman, tan berdim» - degan yozuv turibdi.

—Bilag'onlikda xuddi o'zimsan-da, do'stim. Azbaroyi to'g'ri javob beraveranimdan kompyuter chiday olmay portlab ketdi. Bahonada boshqa bolalar imtihondan qutulib qolishdi, - dedi Vali Alining yelkasiga qoqib.

x x x

—Kecha yarim kechada o'rnimidan turib qarasam, ikki tomonda ikkita oy charaqlab turibdi. Shuning sirini bilish uchun observatoriya ketyapman, - dedi Ali Valiga.

—Ovora bo'lib yurma, sababini men aytaman. Maktabimizni otaliqqa oлган homiy tashkilotimiz bizga chet eldan

keltirilgan oq tunuka bilan qora oynadan uch qavatli maktab qurib berishdi. Sen ko'rgan o'sha ikkinchi oy maktabimizning osmondag'i jilosi bo'lsa kerak.

x x x

10-sinf o'quvchisi Ali maktabga «Moskvich» mashinasida keldi.

—Zo'r-ku do'stim, kimning mashinasi, adangnikimi, to'g'angnikimi? - dedi Vali xavaslanib.

—O'zimniki o'rtoq, o'zimniki. Tadbirkorlikda gap ko'p ekan og'ayni. Qo'shnimiz Seryoja bilan yoz bo'yи metroma-metro yurib «Bemor onamizga dori olishga yordam bering», - deb pul yig'dik. Natija yomon bo'lmadi, Seryoja «Damas»lik, men esa mana shu toychoqqa ega bo'ldim.

Muhabbat HAMDOVA.

ГРИПП - КАРАМДАН ҚЎРҚАДИ

Муштарийлардан бири таҳририятга ёзишича, гриппдан сақланишининг жуда содда усули бор экан; бир-икки кун оқбош карамни хомлигича еган одам гриппга чалинмайди. Чунки карамда жуда хилма-хил дармондорилар ва бошқа фойдали моддалар бор. Бундан ташқари, карам микробларни қирувчи интерферон моддасини ҳам ишлаб чиқаради.

Тўғри, карам одамнинг овқатга бўлган эҳтиёжини қондиради. Чанқоқни босиш учун эса 2-3 кун наъматак қайнатмасини ичиш кифоя. Шундай қилиб, гриппни осонгина енгизи мумкин экан. Қандай яхши! Ҳам арzon, ҳам осон муолажа!

DIFOSAT, GRIPPI



КАЙСИ ХАЛҚ ЭНГ ЗЎР ЯШАЙДИ?

«Аргументы и факты» газетасида ёзилишича, Люксембург мамлакати фуқаролари энг яхши таъминланган кишилар экан. Бу борада американкалар иккинчи ўринда турди. Норвегияликлар, швейцарияликлар, сўнг японлар...

Россияликлар эса таъминланганлик бўйича 62-ўринда!

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умид АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:

Шуҳрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ,

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида оғсет усулида 39092 нусхада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма - K-7720
Газетани PENTIUM-II тмх компютерида
Абдуҳамид АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси, 30-й.

Тел: 144-62-34